



## LEGAL CULTURE AS A FACTOR OF SOCIETAL DEVELOPMENT

*Gulchehra Sadriddinovna Tajibayeva*

*Deputy of the Legislative Chamber of the*

*Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** legal culture, legal awareness, legal education, legal upbringing, Constitution, youth, legal literacy.

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

**Abstract:** The article analyzes the pedagogical and practical foundations of developing legal culture and increasing legal literacy among youth. It examines recent reforms in the legal education system of Uzbekistan, introduced through presidential decrees and national concepts. Practical outcomes of these reforms, particularly through the collaboration between Namangan State University and secondary schools, are evaluated. The study highlights mechanisms for fostering respect for law, a sense of duty, and legal immunity among students.

## ХУКУҚИЙ МАДАНИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Гулчеҳра Садриддиновна Тажибаева*

*Ўзбекистон Республикаси*

*Олий Мажлиси*

*Қонунчилик палатаси депутати*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим, Конституция, ёшлар, ҳуқуқий саводхонлик, педагогик механизмлар.

**Аннотация:** Мақолада ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг педагогик, ташкилий ва амалий асослари таҳлил қилинган. Президент фармон ва концепциялари асосида ҳуқуқий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг амалиётдаги натижалари, шу жумладан Наманган вилоятидаги ҳамкорлик лойиҳаси мисолида кўрсатилган. Ёш авлодда ҳуқуқга

хурмат, бурч ҳиссини шакллантириш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан иммунитет кучайтириш механизмлари ёритилган.

## ПРАВОВАЯ КУЛЬТУРА – ФАКТОР РАЗВИТИЯ

*Гулчехра Садриддиновна Тажибаева*

*Депутат Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

<b>Ключевые слова:</b>	правовая культура, правовое воспитание, Конституция, грамотность.	<b>Аннотация:</b>	В статье анализируются педагогические и практические основы повышения правовой культуры и правовой грамотности молодёжи. Рассматриваются реформы, осуществляемые в системе правового образования Узбекистана на основе указов Президента и соответствующих концепций. На примере сотрудничества Намаганского государственного университета и общеобразовательной школы раскрыты практические результаты внедряемых механизмов. Особое внимание уделено формированию у молодёжи уважения к закону, правосознания и правовой ответственности.
------------------------	---	-------------------	---

**Кириш.** Янги Ўзбекистон шароитида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатида устувор ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони мазкур соҳада тизимли ислохотларни амалга оширишга мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонда таъкидланганидек, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиявий ишлар узок йиллар давомида етарли даражада изчил ташкил этилмагани, оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтлари имкониятлари тўлиқ ишга солилмагани, бу эса ёшлар ҳуқуқий маданияти шаклланишида бўшлиқлар юзага келишига сабаб бўлган.

Муҳокама ва натижалар. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда таълимнинг ўрни бу жамиятда ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқароларнинг қонунларга ҳурмат ва итоатини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий фаолликни юксалтириш бугунги глобаллашув даврининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий маданият даражаси – мамлакат taraqqiyoti, fuqarolar xavfsizligi, jamiyatning barqaror rivojlanishi va demokratik qadriyatlarning mustahkamlanishida асосий омил сифатида намоён

бўлади. Шу боисдан, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар, айниқса таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳар бир давлат учун стратегик аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий маданият тушунчаси ўз ичига ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий хулқ-атвор ва қонунийликка риоя этиш каби кўп қиррали элементларни камраб олади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш, қонун нормаларини ҳаётий вазиятларда тўғри қўллай олиш, ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик каби фазилатлар – жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини белгилайдиган асосий мезонлардир. Бу фазилатлар эса ўз-ўзидан шаклланмайди, балки узлуксиз таълим, тарбия ва ҳуқуқий тарғибот орқали вужудга келади.

Таълим тизими ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида етакчи ижтимоий институт сифатида муҳим ўрин тутаяди. Мактабгача таълимдан тортиб олий таълимга, шунингдек, катталар таълими ва маҳалла-оила муҳитигача бўлган барча босқичларда ҳуқуқий тарбиянинг босқичма-босқич ва узвий амалга оширилиши инсоннинг ҳуқуқий манзарасида ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, таълим тизимини модернизация қилиш, ҳуқуқий таълим ва тарбия сифатини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг *rivojlanishi* ҳуқуқий маданиятнинг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва давлат дастурлари, таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияга оид янги методик ёндашувлар, интерактив ўқитиш технологияларининг жорий этилиши, ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган лойиҳалар – барчаси аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда таълимнинг беқиёс ўрни борлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу нуқтаи назардан, ушбу илмий ишда ҳуқуқий маданият феноменининг назарий асослари, унинг шаклланиш бўғинлари, таълим тизимининг бегона таъсирларсиз, илмий асосланган тарздаги роли атрофлича таҳлил этилади. Хусусан, умумий ўрта, ўрта-маҳсус ва олий таълимда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиш механизмлари, ўқув дастурлари, таълим методлари, ўқитувчилар тайёргарлиги, ҳуқуқий тарғиботнинг самараси ва унинг жамият ривожига қўшадиган ҳиссаси илмий асосда ёритилади.

Изланишнинг долзарблиги шундаки, жамият тараққиёти ҳуқуқий маданиятнинг қай даражада шаклланиши билан ҳамбарчас боғлиқ. Таълим орқали ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш механизмларини чуқур ўрганиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илмий таклифларни ишлаб чиқиш мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий демократияни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таълим жараёнида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва бурч тушунчаларини тўғри англаши, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, қонунга нисбатан ҳурмат ва масъулият ҳиссини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Президент томонидан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”да таълим соҳасига қаратилган бир қатор устувор вазифалар белгиланган:

- Конституция ва инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини барча таълим турларида қайта кўриб чиқиш;
- ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий таълим учун замонавий ўқув қўлланмалар яратиш;
- визуал кўргазмалар, электрон ресурслар, ўйинли-мустақил ўқув моделларини жорий этиш;
- ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича инновацион педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш.

Умуман айтганда ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши учун махсус “йўл харитаси” қабул қилинган бўлиб, унда болалар учун ҳуқуқий портал яратиш, мактабларда ҳуқуқий билимларни интерактив усулларда ўтиш каби чоралар белгиланган.

Наманган давлат университети ва Наманган тумани 4-сонли умумтаълим мактаби ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг самарали модели сифатида эътироф этилмоқда.

Ҳамкорлик доирасида:

- университет профессор-ўқитувчилари томонидан ҳуқуқий саводхонлик бўйича семинар ва суҳбатлар ташкил этилди;
- “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанининг электрон маърузалар мажмуаси мактабга тақдим этилди;
- профессор Б.Талапов томонидан ўқувчилар ёшига мос ҳуқуқ ва бурч мавзусида махсус маъруза ишлаб чиқилди;
- “Ҳуқуқ синфи” учун ўқув адабиётлари ва методик қўлланмалар билан таъминланди.

Натижада, мактаб ўқувчилари “Менинг ҳуқуқ ва бурчларим” мавзусидаги вилоят Олимпиадасида биринчи ўринни эгаллагани амалиёт самарадорлигидан далолат беради.

2. Оила, мактаб ва жамият–ҳуқуқий маданият шаклланишининг уч асосий муҳити

Ҳуқуқий маданиятнинг узлуксиз шаклланиши учта асосий ижтимоий тузилма – оила, таълим муассасалари ва жамият фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

2.1. Оиланинг роли

Болада ҳуқуқ ва бурч тушунчалари аввало оилада қарор топади. Ота-онанинг ўз ҳуқуқий хулқ-атвори, қонунга бўлган ҳурмати фарзанд учун ўрнатилган вазифасини бажаради. Илмий тадқиқотларда таъкидланишича, оилада муаммоларни қонунга мувофиқ ҳал қилиш, меҳнатқилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш каби кундалик одатлар боланинг ҳуқуқий маданиятини барқарор шакллантирувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

## 2.2. Мактаб ва таълим муассасалари

Мактаб ҳуқуқий онгни тарбиялашда марказий ўринни эгаллайди. Чунки ўқувчи ҳуқуқ асослари, Конституция, фуқаролик бурчи ҳақидаги илк назарий билимларни айнан мактабда олади. Шу боис Президент фармонида ҳуқуқий таълимга қўйилган талабларнинг қайта кўриб чиқилгани, дарсликларни замонавийлаштириш вазифасининг белгиланиши ўта саҳий аҳамият касб этади.

Таълимдаги асосий вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

- дарслик ва ўқув қўлланмаларни инфографика, интерактив усуллар билан бойитиш;
- ўқувчиларда ҳуқуқий вазиятларни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш;
- юридик кейслар, муаммоли топшириқлар, моделлаштирилган суд жараёнлари орқали амалиётнинг кўникма бериш;
- электрон ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш.

## 2.3. Жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари

Маҳалла, ННТлар, ёшлар ташкилотлари, медиа макондаги тарғиботлар ҳуқуқий маданиятнинг оммавий шаклланишига хизмат қилади. Айниқса, аҳоли ўртасида ҳуқуқий кураторлик, адвокатура билан ҳамкорликда ўтказиладиган очик дарслар ва ҳуқуқий маслаҳатхоналар юқори самара бермоқда. Жамоатчилик назорати механизмлари фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини янада оширувчи кучли омил саналади.

**Хулоса.** Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунларга ҳурмат ва масъул муносабатни шакллантириш – ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий шартидир. Бу жараён узлуксиз таълим, педагогик инновациялар, таълим билан амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокини талаб этади.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, таълим муассасалари ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги, интерактив ёндашувлар ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда юқори самара бермоқда.

Ҳуқуқий маданият – инсоннинг ҳуқуқий кадриятлар тизимида муносабати, ҳуқуқни англаш даражаси ва ҳуқуқ нормаларига амал қилиш маданияти билан белгиланадиган мураккаб ижтимоий-психологик феномен ҳисобланади. Илмий манбаларда ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг, ҳуқуқий хулқ-атвор, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий фаоллик каби таркибий қисмларни ўз ичига олиши қайд этилади. Демак, ҳуқуқий маданият фақат билим

эмас, балки инсоннинг ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги амалиётгий фаоллиги билан уйғун холда намоён бўлади.

Жамият тараққиётининг замонавий босқичида ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти янада ортаётгани кузатилади. Чунки демократия, фуқаролик жамияти, шаффоф давлат бошқаруви каби қадриятлар ҳуқуқий маданияти юқори бўлган фуқаролар иштирокига таянади. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган миллатгина фаровон келажакка эга бўлади”. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш миллий тараққиётнинг стратегик йўналишларидан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 мартдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, № PF–5618.

2. lex.uz // “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”.

3. lex.uz // Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида таълим соҳасига оид вазифалар, 3-банд.

4. “Халқ сўзи” газетаси, 2024 йил 25 май сони.